"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Сурхондарё вилояти Шўрчи туман
Ҳалқ таълими бўлими мудири
________ З.Хуррамов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Шўрчи шахри 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1.Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.

2.Техник қисм.

3.Нархлар қисми.

Танлов иштирокчиси учун йуриқнома.

1.Танлов предмети ва тахминий қиймати

**1.Танлов предмети: Шўрчи туман Халқ таълим бўлимига қарашли мактабларга спорт жихозлари харид қилиш.**

1.2 Харид қилинадиган спорт жихозлари сони ва уртача нархи:

| № | Асосий маьлумотлар |
|---|---|
| 1 | Футбол тўп 5 ўлчамли Футбол тўпининг оғирлиги 410-450 г, айланма диаметирининг узунлиги 68-70 см, 72 дона 150000 сўмдан жами 10 800 000 сўм, Товарлар сифатли бўлиши шарт. |
| 2 | Волебол тўп 5 ўлчамли Волебол тўпининг оғирлиги 340 г, айланма диаметирининг узунлиги 63.5-68.5 см, 72 дона 150000 сўмдан жами 10 800 000 сўм, Товарлар сифатли бўлиши шарт. |
| 3 | Волебол сеткаси ени 1м, узунлиги 9.5-10 м, 72 дона 500000 сўмдан 36 000 000 сўм, Товарлар сифатли бўлиши шарт. |

1.3 Танловнинг йуқори қиймати 57 600 000 (Эллик етти миллион олти юз минг) сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Махсулот буйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиқган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.5 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график буйича.

1.6 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

**2.Танлов ташкилотчилари**

2.1 Шўрчи туман Халқ таълим бўлими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Мустақиллик куча 86-уй

2.2 Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

## 3.Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар товар етказиб берувчилар барча юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар иштирок етиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, иш(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахасисларниг мавжудлиги.

Шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомола хуқуқий лаёқат ва ваколатлар: Танлов обектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасиинг мавжудлиги.

Иловада курсатилган молиявий курсаткичларни тақдим етиш. Низом маблағи миқдори.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок етишга рухсат берилмайди.

Қайта ташкил этилиши (ажратилиш,қўшилиши), тугатиш ки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4.Танловда иштирок етиш учун таклифларни тақдим етиш

4.1 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим етилиши лозим.

Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

4.2 Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нарх бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати ( солиқдан қарзи йуқлиги туғрисида маълумотнома, малака талаби техник ресурслари мавжудлиги хақида хужжатлар рўйхати илова қилинади).

## 5.Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 Давлат харидлари тўгрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим етилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва туғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланан тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6.Бошқа шартлар

6.1Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок етиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли.Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узуйтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хақли.Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида  эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённамасиэълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида суров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.